

Ортга қайтмас йўл

ЖАҲОН САВДО
ТАШКИЛОТИ САРИ
МУҲИМ ҚАДАМ



Абдусайд КҶЧИМОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси

Бошланиши 1-бетда

Дарҳақиқат, давлатимизнинг ЖСТга аъзолиги масаласи кўпчиликнинг диққат марказида турибди.

Савод тугилади, мазкур ташкилотга аъзо бўлиш Ўзбекистонга нима беради? Бу бозорга кирмоқчи бўлган мамлакат қандай шартлари бажариши керак?

Аввало шунини таъкидлаш жоизки, Жаҳон савдо ташкилотига қўшилишнинг учта муҳим шарти бор. Биринчиси, халқаро савдонинг либераллаштириш, иккинчиси — ташкилотга аъзо мамлакатлар ўртасидаги савдо битимлари ошқора бўлишини таъминлаш ва учинчиси — мамлакатлараро рақобат муҳитини ташкил қилиш.

Демак, Жаҳон савдо ташкилотининг туб моҳияти турли мамлакатлар, минтақалараро ҳалол савдонини йўлга қўйиш ва аини пайтда тараққиёт йўлига ғов бўлаётган монопол компанияларнинг илдизига болта уришдан иборат.

Бу — Ўзбекистон учун қони фойда, де-гандир.

ЖСТ кичкина, имкониятлари чегараланган тузилма эмас. Бугунги кунда унга дунёнинг 164 та давлати аъзо. Глобал савдо ва жаҳон ялпи ички маҳсулотининг деярли 98 фоизи ушбу мамлакатлар ҳиссасига тўғри келишининг ўзидек кўп нарсани англатади.



Юқорида айтганимиздек, ЖСТга аъзо бўлиш учун биринчи гада давogar давлатининг иқтисодиёти эркин бўлмоғи ва жаҳон бозори учун эшиклари очик бўлиши лозим. Аини чоғда давлатнинг иқтисодиётга аралашуви жуда кам бўлиши, истеъмолчилар ҳуқуқларини чеклайдиган монопол компанияларни кескин камайтириш зарур бўлади.

Ташкилотнинг тўлақонли аъзоси бўлиш учун ушбу талабларни бажаришдан ташқари яна давлат ўз қонунларини Жаҳон савдо ташкилотининг талабларига мослаштириши ҳам шарт.

Шунини алоҳида таъкидлаш ўринлики, Ўзбекистон ЖСТга аъзо бўлиш йўлида жиддий, пухта ўйланган мақсадлар билан бораётир. Ёдимизда, конституциявий ислохотлар вақтида 67-моддага аинан шу мақсадни кўзлаб ўзгартириш киритилган эди.

Олий Мажлис Сенати томонидан қабул қилинган “Бозор ислохотлари ва Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнлари янада жадаллаштирилиши муносабати билан айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунга биноан эса Ўзбекистонда мавжуд қонунчилик нормалари Жаҳон савдо ташкилотига битимларига мувофиқлаштирилди.

Қонунда металл парчалари ва чиқиндиларни қайта ишлаш ҳамда табиий газ савдосини лицензиялаш орқали рақобатни кучайтириш, хусусий сектор иштирокини кенгайтириш ва ресурслардан самарали фойдаланишнинг таъминлаш кўзда тутилган.

ЖСТга аъзо бўлишнинг муҳим шартларидан яна бири имтиёзли — эксклюзив ҳуқуқларни бекор қилиш ҳисобланади. Матлумки, ЖСТнинг Тарифлар ва савдо бўйича бош битимида аъзо давлатлар савдодаги тариф ва чекловларни камайтириш ва халқаро

савдода камситувчи муносабатни бартараф этиши лозимлиги белгиланган.

Мазкур талабга мувофиқ, 2024 йил 3 июнда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Бозор ислохотларини янада жадаллаштириш ва Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигини Жаҳон савдо ташкилотига битимларига мувофиқлаштириш бўйича навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармони қабул қилинган эди. Фармон билан айрим ҳўжалик субъектларига берилган махсус имтиёзли (эксклюзив) ҳуқуқлар бекор қилинди.

Хусусан, 2025 йил 1 январдан “Ўзметкомбинат” АЖнинг республика ҳудудида қора металл лому ва чиқиндиларини тайёрлаш (харид қилиш) ҳамда “Ўзиккиламчиранглиметалл” АЖнинг рангли металл лому ва чиқиндиларини тайёрлаш, экспорт қилиш бўйича имтиёзлари — эксклюзив ҳуқуқлар ўз кучини йўқотди.

2026 йил 1 июлдан “UzGasTrade” АЖнинг табиий газни ягона экспорт қилувчи ва импорт орқали харид қилувчи оператор сифатидаги ҳуқуқи ҳамда “Ўзэнергосетиш” АЖнинг электр энергиясини экспорт ва импорт қилишдаги марказлашган ҳуқуқлари ҳам бекор қилинади.

Қабул қилинган қонуннинг яна бир аҳамиятли жиҳати бор. Унга кўра, давлат томонидан берилаётган айрим имтиёз — эксклюзив ҳуқуқлар бекор қилинади. Ушбу фаолият бўйича лицензиялаш тартиб-таомиллари жорий қилинишидан келиб чиқиб, “Лицензиялаш, рухсат бериш ва хабардор қилиш тартиб-таомиллари тўғрисида”ги ҳамда “Давлат божи тўғрисида”ги қонунларга қора ва рангли металл лому ва чиқиндиларини тайёрлаш (харид қилиш), қайта ишлаш ва реализация қилиш ҳамда табиий газнинг улгуржи ва чакана савдоси бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензиялаш тартибининг жорий этиш билан боғлиқ ўзгартириш ва қўшимчалар киритилди. Бу эса ўз-ўзидан тадбиркорлик субъектлари ўртасида соф, ҳалол рақобат муҳитини яратишга кенг йўл очади.

Бундан ташқари, қонун билан қора ва рангли металл парчалари ҳамда чиқинди-

Бошланиши 1-бетда

Албатта, ҳар бир ислохот замирида инсон қадри туради. Инсон қадри эса, аввало, унинг шахсий уйига, ўз бошпанасига эга бўлиши билан ўлчанади. Шунинг учун ҳам уй-жой масаласига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Нукус шаҳрида 3389 квартиралари 63 та кўп қаватли турар жой қурилиши кўзда тутилган. Шу кунгача шаҳардаги Кўмбиз овул ва Гулзор маҳаллаларида 84 хонадонли 2 та уй фойдаланишга топширилди. Энди эса эътибор Нукус — Чимбой гузарига атрафига қаратилмоқда.

Қурилиш ишларига халқаро инвесторлар, жумладан, Хитой компаниялари ҳам жалб этилган. Улар иштирокида 10 та уй-жой қурилиши режалаштирилган бўлиб, бугунги кунда 5 та объектда иш қизгин кечмоқда.

Шу билан бирга, аҳоли уй-жойлари ҳолатини яхшилаш, эскирган биноларни таъмирлаш ва реконструкция қилиш ишлари ҳам кенг кўламда амалга оширилмоқда. Нукус шаҳрида 2926 та уй-жой таъмирлаш мақсадида қамраб олинган. Шундан шу кунгача 824 та уй таъмирланиб берилди, 448 тасининг томига янги шифер қопламалар ўрнатилди. 32 та турар жой эса бутунлай қайта қурилди.

Нукус шаҳрида қурилиш объектлари сони ортиб бораётган бугунги шароитда уларни сифатли материаллар билан таъминлаш масаласи ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда. Энди бу талабни четдан эмас, балки маҳаллий имкониятлар ҳисобидан қондириш мумкин.

НУКУС — ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНДАГИ
ИСЛОХОТЛАР МАРКАЗИ

Масалан, қурилиш саноати учун стратегик аҳамиятга эга янги корхона — базальт хомашёси асосида иссиқлик сақловчи материаллар ишлаб чиқарувчи завод иш бошлади. Лойиҳа доирасида йилга 40 минг тонна маҳсулот ишлаб чиқариш кўзда тутилган.

Ушбу саноат майдони учун 677 миллиард сўмдан зиёд инвестиция киритилди. Базальт асосидаги материаллар иссиқликни яхши сақлаши, экологик тозаллиги ва барқарорлиги билан аҳамиятли. Шу боис, улар нафақат уй-жойлар, балки йирик саноат объектлари қурилишида ҳам кенг қўлланилиши кутилмоқда. Натижада 300 та иш ўрни яратилди ва июль ойидан ишлаб чиқарилган маҳсулотлар Озарбайжонга экспорт қилина бошлади.

Қорақалпоғистон кўёшли кунларининг кўпчилиги билан тоза энергия ишлаб чиқариш учун қулай ҳудуд. Энди бу афзаллик ишлаб чиқаришга айланди. Нукус шаҳрида кўёш панеллари ишлаб чиқарувчи биринчи завод — “Нукус электроаппарат” кўшма корхонаси йилга 150 мегаватт қувватга эга бўлган панеллар ишлаб чиқармоқда. Ишлаб чиқариш Хитой ускуналари ва Жанубий Корея технологияси асосида ташкил этилган. Аини пайтда 30 дан ортиқ мутахассис ишламоқда. Яқин келажакда улар сони 150 тага етади. Эътиборлиси, кўёш панеллари ишлаб чиқариш Ўзбекистонда биринчи бўлиб Қорақалпоғистонда йўлга қўйилмоқда.

Йирик бизнес ва туризм маскани

Нукус энди нафақат маъмурий ва маданий марказ, балки йирик бизнес ва туризм масканига айланипти. Биргина мисол, шахримиз марказида қурилиши бошланган замонавий конгресс-холл мажмуаси 78 миллион долларлик инвестиция асосида барпо этилмоқда. Ушбу лойиҳа нафақат замонавий архитектура, балки шаҳар инфратузилмасини мутлақо янги босқичга олиб чиқадиган гоьлардан бири ҳисобланади.

Шахримизда хизмат кўрсатиш соҳасини янги босқичга олиб чиқадиган яна бир йирик лойиҳа — “Karakalpak Palace Premium” меҳмонхонаси қурилиши бошланди. Бу Қорақалпоғистондаги ilk беш юлдузли меҳмонхона бўлиб, у нафақат юртдошларимиз, балки халқаро сайёҳлар ва инвесторлар учун ҳам юқори даражадаги сервисни тақдим этади.

Йирик сервис лойиҳаларидан яна бири “Эко бозор” мажмуасидир. 3 гектар майдонда барпо этилган ушбу бозорда 148 та савдо ўрни ташкил этилиши белгиланган бўлиб, 130 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилди. Унда 225 нафар фуқаро доимий ва мавсумий иш билан таъминланиши кўзда тутилган.

“Long Water” масъулияти чекланган жамияти томонидан қиймати 1,5 миллион АҚШ доллари миқдорига тўғридан-тўғри хорж инвестицияси ҳисобидан “Shilpiq” бренди лойиҳаси амалга оширилиб, бозорлар қадоқланган сифатли сув билан таъминланмоқда. Мазкур лойиҳа амалга оширилиши натижа-сида 50 га яқин иш ўрни яратилди.


Бугунги кунда Қорақалпоғистонда илгари бўлмаган йўналишлар ҳам пайдо бўлмоқда. Масалан, ilk бор Нукус шаҳрида замонавий стандартларга жавоб берадиган “Monte”



Обод манзиллар



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ҲАМ
ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!



Абатбай ДАНИЯРОВ,
Нукус шаҳар ҳокими

музқаймоқлари ишлаб чиқариш корхонаси йўлга қўйилди. “Yuventa Nukus” масъулияти чекланган жамияти томонидан амалга оширилаётган ушбу лойиҳа асосида бозорларни сифатли сут маҳсулотлари билан таъминла-нишига эришилди.

Юрагимизга яқин мавзу

Ёшлар мавзуси юрагимга яқин. Негаки улар юрт келажаги. Ташаббус ва гоьларга бой бугунги авлод вакиллари. Шу боис, улар билан суҳбатлашиб, фикрлари билан қизиқаман.



Президентимиз эътибори ва жонқуярлиги тўғрисида, айниқса, қорақалпоғистонлик ёшлар олий таълим муассасаларида таълим олишдаги қўшимча квоталар, “Ёшлар дафтари”даги талабаларга контракт пулларининг тўлаб берилиши мўъжиза...

Ҳа, ҳозирги вақтда кўз кўриб, қулоқ эшитмаган янгиликларнинг нафақат гувоҳи, балки иштирокчиси бўлмоқдамиз. Ҳар қадмда қурилиш ва ободонлаштириш ишлари авж олган. Масалан, Нукус шаҳрида Таълимни баҳолаш агентлигининг 1000 ўринли янги биноси фойдаланишга топширилди. 18,3 миллиард сўм маблағ эвазига барпо

НУКУСДА АМАЛГА
ОШИРИЛАЁТГАН ҲАР
БИР ЛОЙИҲА БУ —
ХАЛҚ УЧУН, УНИНГ
КЕЛАЖАГИ УЧУН. БУ
ДАВЛАТ РАҲБАРИНИНГ
МАМЛАКАТИМИЗ
ТАРАҚҚИЁТИГА,
ОДАМЛАР ҲАЁТИГА
ҚАРАТАЁТГАН
ЭЪТИБОРИНИНГ
АМАЛДАГИ ИФОДАСИ.
АЙНИҚСА, ШАҲАР
КўЧАЛАРИДА
ЗАМОНАВИЙ БИНОЛАР,
КўП ҚАВАТЛИ УЙЛАР
ҚУРИЛИБ, КўЗНИ
ҚУВОНТИРАДИГАН
ДАРАЖАДА
ЎЗГАРИШЛАРГА ЮЗ
БУРМОҚДА.



Ўзига хос маданий иншоот

Шаҳар марказида қад ростлаган очик амфитеатр нафақат янги инфратузилма лойиҳаси саналади, балки нукусликлар, хусусан, ёшлар учун маданий ва ижтимоий фаолликнинг янги масканига айланмоқда. Бу ерда концертлар, театр томошалари, очик мулоқотлар, байрам тадбирларини ўтказиш мумкинлиги эса шаҳар аҳолиси учун яна бир замонавий имконият ҳисобланади.

Буни яққол исботлайдиган мисоллардан бири Нукус шаҳридаги “Оқ қуш” мажмуасида қад ростлаган, дунёдаги энг катта қора уй (ўтов) ҳисобланади. 40,5 метр диаметр ва 22 метр баландликка эга ушбу улкан иншоот 2024 йил 22 август кунини Гиннесснинг рекордлар китобига расман киритилди. Бу нафақат Қорақалпоғистон, балки бутун Ўзбекистоннинг маданий салоҳияти ва меъморий имкониятларини дунёга танитган воқеа бўлди дейиш мумкин.

Халқ учун, келажак учун


Нукусда амалга оширилаётган ҳар бир лойиҳа бу — халқ учун, унинг келажаги учун. Бу давлат раҳбарининг мамлакатимиз тараққиётига, одамлар ҳаётига қаратаётган эътиборининг амалдаги ифодаси. Айниқса, шаҳар кўчаларида замонавий бинолар, кўп қаватли уйлар қурилиб, кўзни қувонтирадиган даражада ўзгаришларга юз бурмоқда. Шаҳар аҳолиси сони ҳам йилдан йилга кўпайиб, давлатимиз раҳбарининг таъбири билан айтганда Ўзбекистоннинг иккинчи пойтахти кундан кунга чирой очиб, кенгайиб борапти. Бугунги кунда шахримизда 350 мингдан зиёд аҳоли 71 та маҳалла фуқаролар йиғинида истиқомат қилади.

Барча масалалар аста-секинлик билан, босқичма-босқич ечим топапти. Шахримизнинг деярли барча кўчаларига асфальт ётқизилмоқда. Илгари асфальт йўллар масаласи 10-15 йиллар давомида тўлиқ ҳал этилмай қолар эди. Ўша ечилмасдан қолган шахримиздаги йўл масаласиди муаммолар сўнгги йилларда барҳам топапти.

Бундан ташқари, ҳудудий дастур доирасида 2025 йилда жами қиймати 2,3 триллион сўм бўлган 107 та лойиҳа ишга туширилиши ва 2471 та янги иш ўрнини яратиш режалаштирилган. Шундан бугунги кунда қиймати 806,3 миллиард сўм бўлган 48 та лойиҳа ишга туширилди ва 561 та янги иш ўрни яратилди.

Бугунги кунда камбағалликдан чиқарилган оилалар 585 та, аҳоли сони 2052 нафар кишини ташкил этади. 2025 йилнинг 1 январига камбағал оилалар 6,6 минг оила, камбағаллик даражаси 8,7 фоизни ташкил этган бўлса, 2025 йилнинг 1 июль ҳолатига кўра камбағал оилалар 5,4 минг, камбағаллик даражаси 6,1 фоизни ташкил этди.

Юртимизда ота-боболаримиз кўрмаган бугунгидек ободонлаштириш ва бунёдкорлик ишларидан халқимиз чексиз миннатдор. Сўнгги йиллар ичида амалга оширилган ўзгаришлар давлат раҳбарининг аҳолимизга, ҳудудга бўлган эътибори ва ишончи натижасидир. Президентимиз раҳбарлигида олиб борилаётган кенг кўламли ислохотлар, халқ учун яратилаётган қулайликлар ва инсон манфаатини юксак қадрлаш сиёсати барча соҳаларда ўз самарасини бермоқда.



Байрам шукуҳи кезиб юрган шу паллада баъзи юртдошларимизнинг истиқлол руҳи, кайфияти, имконияти ва ҳаётидаги ўзгаришлар ҳақидаги фикрларини ёзиб олдик.

**“Янги Ўзбекистон” мухбирлари
Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
Рисолат МАДИЕВА тайёрлади.**

